



**МАВЗУ: ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА
МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА УЛАРНИНГ
ЕЧИМИ**

подполковник Аҳмадов Фарҳод Сайдалиевич

Малака ошириши институти Касбий

тайёргарлик факультети Махсус фанлар цикли

ўқитувчиси

+99899 8226327

**“Мен Янги Ўзбекистоннинг ички ишлар органлари ходимлари –
Ватанимизнинг асл ўғлонлари сифатида замонавий билимларни
эгаллаган, маънавий ва маърифий дунёси бой, ҳар қандай хавф-хатарга
қарши матонат билан қурашишга тайёр, ҳалқимизнинг чин маънодаги
ҳимоячилари эканингизга қатъий ишонаман”.**

Шавкат Мирзиёев

Аннотация: Уибу мақолада ички ишлар органлари фаолиятида
муаммоли вазиятларнинг юзага келиши ва уларнинг ечими, мушкул ёки
мураккаб шароитларда юзага келувчи психиканинг зўриқиши, одамлар гурӯҳига
нисбатан жисмоний ва руҳий зарар етказишга қаратилган индивидуал ёки
жамоавий хатти-ҳаракатлар бўлиб, ходимнинг хизмат фаолиятида салбий
акс этиб, жиоддий оқибатларга олиб келиши мумкин, стресснинг физиологик,
психологик, шахсий ҳамда тиббий белгилари мавжуд бўлиб, уларнинг исталган
тури доимо ҳиссий қўзғалиши билан биргаликда кечади.

Таянч сўзлар: Хавотир, стресс, агрессия, психика, коммуникатив,
вербал, шахс, маҳорат, касбий психологик, хавотир, мувозанат.

Бугунги кунга келиб ходимнинг ички ишлар органлари фаолиятида
муаммоли вазиятларнинг юзага келиши ва уларнинг ечими уларнинг касбий-



психологик тайёргарлигига, маҳоратига қўшилиши мақсадга мувофиқ бўлган қўшимчагина эмас, балки касбий маҳоратнинг мавжуд бўлиши шарт бўлган таркибий қисми ҳамдир. Ички ишлар органларида хизмат олиб бораётган ходимларнинг касбий маҳорати нафақат маҳсус юридик билимлардан, балки касбий-психологик тайёргарликдан ҳам ташкил топади. Агар унинг бундай тайёргарлиги бўлмаса, ҳақиқий маҳорати ҳам бўлмайди. Шу муносабат билан ходимларнинг улар касбий фаолиятининг самарадорлигини таъминлайдиган зарурий, профессионал жиҳатдан муҳим хислатларини ривожлантиришга, улар фаолиятининг ишончлилигини оширувчи психологик усулларни ўрганишига, ҳамда стресс ва уни олдини олишга қаратилган машқлар, кескин вазиятларда ўзини ўзи ҳиссий-иродавий бошқариш усуллари, аутоген ва гурухий машқларни ўрганиши хизмат фаолиятини ташкил этишда жуда муҳим.

Ходимларнинг ташқи таъсирлар натижасида стрессларга тушиб қолиши оқибатида шахслараро муносабатлар тизимида низоли ҳолатларнинг келиб чиқишига, куч ишлатишга асосланган усуллардан, яъни хиравлик қилиш, зўравонлик, қўрқитиш ва бошқа ғайриқонуний чоралардан фойдаланишига олиб келади. Лозим даражадаги касбий-психологик тайёргарликнинг йўқлиги – инсон бел парволигининг муҳим сабабларидан бири, тошбағирлик, расмиятчилик, ҳокимиятни суистеъмол қилиш, қонунийликни бузиш ва жиддий касбий хатоларнинг битмас-туганмас манбаидир.

Ички ишлар органлари ходимлари фаолияти – ходим учун доимо “хавотир”да бўлишни талаб қиласиган жараёндир. Баъзи пайтларда ташқи томондан таъсир этувчи босим шунчалик кучли бўлиши мумкинки, у инсонни турли даражадаги стрессларга олиб келади. Стресс ходимнинг хизмат фаолиятида салбий акс этиб, жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бўлажак ходимларни фаолиятга психологик жиҳатдан тайёрлашда уларга хавфли вазиятлардан чиқиб кета олиш, мураккаб шарт-шароитларда ўз-ўзини назорат қилиш малакасини сингдириш лозим.

Стресс ва агрессия — бу инсоннинг психоэмоционал ҳолати бўлиб, уларнинг хулқ-атворида бир қатор белгилар билан намоён бўлиши мумкин.



Қуйида стресс ва агрессиянинг хулқ-атворда қандай кўринишларда бўлишини тушунтириб ўтаман.

Стресс ва унинг хулқ-атворда намоёни:

Стресс — бу инсоннинг ҳар қандай вазиятга нисбатан эмоционал ва психик реакциясидир. Стресснинг турли хил сабаблари бўлиши мумкин: иш билан боғлиқ муаммолар, шахсий муаммолар, ёки ҳаётдаги ўзгаришлар. Стресснинг хулқ-атворда намоён бўлиши шундай бўлиши мумкин:

Табиатда қайғу ва ташвиш: Стрессга дуч келган одам ўзини хисоботсиз ва қийналган ҳис қилишади. Улар ишни тўлиқ бажаришга ёки ижобий хулқ-атворни сақлашга қийналишади.

Таниш ва хурсандчиликнинг йўқолиши: Стресс хосил бўлган одамларда хурсандчилик ҳисси камаяди ва уларнинг кундалик ҳаёти тўлиқ фаоллашмайди.

Йўқотиш ва олдинги эҳтиёжларни ёқтира олиш: Стресс, одамни ўзининг юқори қувватидан ёки мотивациясидан айриқ қилган ҳолда, уларни анча пасайишга сабаб бўлиши мумкин.

Жисмоний белгилар: Стресснинг жисмоний белгиларидан бири — хурсанд бўлмаслик, уйқусизлик, бош оғриқлари, мусбатликсизлик ва юрак қақшиши.

Агрессия ва унинг хулқ-атворда намоёни:

Агрессия — бу инсоннинг зўравон ёки душманона хулқ-атворини англатади. Агрессия турли сабабларга кўра рўй бериши мумкин: стресс, ишончсизлик, қийин ҳолатлар ва ҳ.к. Агрессиянинг хулқ-атвордаги белгиларидан баъзилари шундай бўлиши мумкин:

Ҳар қандай ҳолатда хурсанд бўлишга интилиш: Агрессияга дуч келган одамлар ўзларини ақлий ва физик тарзда хатарли, хавфли ҳолатда ҳис қилишлари мумкин. Улар мажбурий қўлланма ёки оғир суръатда ҳаракат қилишга интилишади.



Ташқаридан ёки ўзидан бошқаларга ёрдам бериш: Агрессия одатда ёки уларга ёрдам беришга, ёки ўзларини ўз хўш келган ҳолатга қарши ҳужум қилишга ёки бошқа одамлар билан зиддиятга киришишга олиб келади.

Сабрсизлик ва хулқ-атвор муаммолари: Агрессия сезилгандা, инсонлар сабрсиз бўлишлари ва ўзларининг ҳиссий ҳолатларига қанчалик ўзига ёки бошқаларга зарар етказишга ёқпиша олишлари мумкин.

Бошқалар билан зиддиятли ҳолатларни юзага келтириш: Агрессиянинг яна бир кўриниши — одамлар бошқалар билан ўзаро зиддиятларни яратишлари ва мушаклар ёки овоз билан шуурсиз керакли ҳаракатларга ўтишлари.

Стресс ва агрессия ўртасидаги алоқа:

Стресс ва агрессия бир-бири билан боғлиқ бўлиши мумкин. Стресс шиддатланган ҳисларни ва қобилиятларни пайдо этади, бу эса агрессияга олиб келиши мумкин. Масалан, ишдаги стресс ёки шахсий муаммолар инсонни нервозлаштириши ва ўз хулқ-атворида агрессияга сабаб бўлиши мумкин.

Стресс – оғир, мушкул ёки мураккаб шароитларда юзага келувчи психиканинг зўриқиши ҳолатидир. Стресснинг вужудга келиш сабаблари куйидагилардир: инсон шуғулланадиган фаолиятнинг тури, унинг мазмуни, мавжуд шарт – шароитлар, фаолиятнинг ташкилий қисми ва шошилинч (экстремал) омиллар, шунингдек, ташқи муҳит инсоннинг бор имкониятларидан ортигини талаб қилиб қўйганида стресс ҳолати юзага келади. *Мисол учун, хизмат фаолиятида талабнинг кўпайиши ҳам кучли стрессор ҳисобланади.*

Стресснинг юзага келиш сабаблари илмий нуқтаи назардан турлича изоҳланади. Жумладан, энг машҳур қараш сифатида Г.Сельенинг стресс назариясини олишимиз мумкин¹. Унга қўра, дунёдаги жамийки биологик мавжудотлар муҳим механизмга - мувозанатни таъминловчи қурилмага эга. Ички ва ташқи стрессорларнинг кучли ҳамда давомий таъсиrlари

¹ Раджабов Акмал Абдухаликович Самарқанд давлат университети Психология назарияси ва амалиёти кафедраси тадқиқотчisi



мувозанатнинг бузилишига олиб келади. Организм ушбу вазиятда ўзининг юқори даражадаги ҳимоя – мослашув реакциясини намоён қилади. Қўзғалиш ёрдамида организм ташқи таъсирга мослашишга уринади. Айнан шу таъсир стресс ҳолати ҳисобланади. Таъсир йўқолмаса стресс кучаяди, ривожланади ва организмдаги бир қанча ўзгаришларга олиб келади. Хавотирнинг турғунлиги ҳамда давомийлиги қуидаги инсон хатти-ҳаракатида қуидаги ҳолатларни кетириб чиқаради:

биринчидан, иштаҳанинг бузилиши;
иккинчидан, уйқусизлик;
учинчидан, ҳатти-ҳаракатлардаги пассивлик.

Бундай физиологик бузилишларнинг давомийлиги инсонни стрессга олиб боради. Организм эса ўзини ҳимоялашга, таъсирни сўндиришга ҳаракат қилади. Аммо биламизки, организмнинг кучи чексиз эмас ва жиддий стресс вазияти вужудга келганда, инсон буни кўтара олмайди. Натижада турли хил ҳасталиклар пайдо бўлади, стресс ўта кучли бўлган ҳолатларда ўлимлар ҳам кузатилган.

Стресснинг физиологик, психологик, шахсий ҳамда тиббий белгилари мавжуд бўлиб, уларнинг исталган тури доимо ҳиссий қўзғалиш билан биргаликда кечади. Стресс ҳолатининг белгилари мутахассислар томонидан қуидагича ажратилган.

Стресснинг физиологик белгилари: юрак уришининг ва нафас олишнинг тезлашиши, юз терисининг қизариши ёки оқариши, терлаш, қон таркибида адреналин микдорининг кўпайиши.

Психологик белгилари: психологик функциялар динамикасининг ўзгариши, тафаккур операцияларининг секинлашуви, диққатнинг бўлинувчанлиги, хотиранинг пасайиши, қарор қабул қилиш жараёнининг пассивлашуви.

Шахсий белгилари: ироданинг бутунлай йўқолиши, ўз-ўзини назорат қилишнинг пасайиши, хулқ-атвордаги стереотиплик ва пассивлик, қўрқув, хавотир, сабабсиз безовталиқ, ижодкорлик қобилиятининг йўқолиши.



Тиббий белгилар: неврознинг ортиши, хушдан кетиш, аффектлар, бош оғриғи, уйқусизлик.

Стрессдаги физиологик ўзгаришлар эркаклар ва аёлларнинг хулқ-атворида ҳар хил намоён бўлиши кўрсатиб берилган.² (Тэйлер, 2000). Эркаклар учун кураш ва қочиш реакцияси хос бўлса, аёллар учун эса –ғамхўрликка ва дўстона яқинлашувга тайёргарлик ҳолати хос. Стрессда аёллар ўзининг насли хавфсизлигини таъминлайди, унинг эҳтиёжлари қондирилиши ҳақида ғамхўрлик қиласи; улар айнан шу мақсадли ўз ижтимоий гурӯх вакиллари билан яқинлашадилар.

Ички ишлар органлари ходимлари хизмат фаолиятида юзага келадиган стресс ва агресив хулқ-атворлар.

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий фаолияти бир неча хусусиятлардан иборатdir. Ушбу хусусиятлар ходимларнинг руҳий жиҳатдан тайёргарлигига салмоқли таъсири кўрсатиши билан бирга стресс ҳолатлари ва агресив хулқ-атворни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг хусусиятларидан бири бу **ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг хуқуқий жиҳатдан тартибга солинганлиги**dir. Ходимларнинг фаолияти хуқуқий нормалар (қонун хужжатлари, ИИВ норматив хужжатлари, буйруқ ва шу кабилар) билан қатъий тартибга солинган.

Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг яна бир психологик хусусияти **ҳокимијат ваколатига эгалигидир**. Иш манфаати йўлида ходимларга зарур ҳолларда фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашиш, кўпинча атрофдагилардан яширишга ҳаракат қилинадиган ҳолатларни аниқлаш, фуқароларнинг тураг жойларига кириш, зарур ҳолларда айрим фуқароларнинг эркинлигини чеклаш ва ҳатто ундан маҳрум қилиш хуқуки берилган.

Ходимлар касбий фаолиятининг муҳим психологик хусусиятларидан бири **манфаатдор шахсларнинг доимий равишда қаршилик кўрсатиши ва**

² Тэйлер, 2000. Стрессдаги физиологик ўзгаришлар эркаклар ва аёлларнинг хулқ-атворида ҳар хил намоён бўлиши кўрсатиб берилган..



тўсқинлик қилишидир. Бу ходимнинг жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятига баъзан жуда кескин шаклларда кечадиган кураш тусини беради. Ходимнинг йўлига атайин қўйиладиган тўсиқларни енгиш, хавфли вазиятларни бартараф этиш зарурати унда турли ҳиссий ва руҳий зўриқишлиарни келтириб чиқаради. Бу эса ўз навбатида ходимдан доимий асабий зўриқишини ва зўр ақлий фаолиятни талаб этади.

Ички ишлар органлари ходимлари касбий фаолиятининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири бу кенг доирадаги муҳит билан муомала қила олиш қобилиятини билдирувчи **коммуникативликдор**.

Вақт танқислиги ва ишининг ҳаддан ташқари қўплиги ҳам ходим касбий фаолиятининг хусусиятларига киради. Вақт танқислиги эса, жиноят ишини тергов қилиш, фуқароларнинг аризаларини кўриб чиқиш каби жиноий процессуал хужжатларга риоя этиш зарурлигига намоён бўлади. Ходим шу туфайли доимо асабий зўриқища бўлади.

Асабий зўриқиши ходим фаолиятининг юқори экстремаллиги, низоли, вазиятлар шароитида ҳаракат қилиш, турли стрессни вужудга келтирувчи ташқи омиллар таъсири, меъёрланмаган иш куни, фаолиятида салбий ҳис-ҳаяжонларнинг мавжудлиги туфайли юзага келадиган катта жисмоний ва руҳий зўриқиши билан боғлиқ. Чунки ходим касбий фаолиятида номоён бўладиган мураккаб шароитларга дуч келади.

Ички ишлар органларининг ходимларига ҳар куни турли (кўпинча стресс хусусиятига эга бўлган) омиллар таъсир этади. Бу эса ўз навбатида, чарчаш, ҳолдан тойиш, турли салбий ҳиссий ҳолатларнинг юзага келиши, касбий хизмат фаолиятидаги камчиликларга олиб келади.

Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат фаолиятида ўз руҳий-иродавий ҳолатини бошқариш зарур бўладиган вазиятлар тез-тез юзага келади. Руҳий ва жисмоний оғирликлар ҳаддан ташқари катта бўлганда, бунинг устига ходим ўз хатти-харакатларини ёмон бошқарганда асабийлашиш юзага келади. Бу эса фаолият самарадорлигини пасайтиради ва унинг нотўғри ташкил этилишига, ишда жиддий хато ва камчиликларга олиб келиши мумкин. Бундай



вазиятларнинг тақрорланиши кўпинча бузилишларга, ўзига бўлган ишончнинг йўқолишига, асабий депрессияларга олиб келади.

Стресс ҳолатини ўрганиш борасидаги энг муҳим бўғинлардан бири бу экстремал вазиятларга реакция кўрсатиш жараёни ҳисобланади. Г.Селе ўз тадқиқотларида адаптация жараёнининг босқичларини санаб ўтади. Булар: “кўзғалиш (ваҳима)”нинг бошланғич босқичи-экстремал таъсир натижасида юзага келади ва организмнинг қаршилик кўрсатиш даражасини бирдан тушиб кетишида намоён бўлади; “қаршилик кўрсатиш” босқичи- адаптацион имкониятларнинг рўёбга чиқиши билан изоҳланади; ориқлаб кетиш- организм резервларининг камайишига таъсир кўрсатади. Қийин ҳаётий вазиятларни анализ қилганда бу босқичларнинг физиологик интерпритацияси психологик мазмун касб эта бошлайди. Юзага келувчи қийинчиликларни енгиш яъни “стрессга жавоб қайтариш” жараёни эмоционал ва когнитив ҳолатларнинг нотекис намоён бўлиши билан изоҳланади ва ноадекват ҳатти -ҳаракатлар натижасида уларнинг ҳар бири салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Инсоннинг турли кўринишдаги стрессли вазиятларга нисбатан чидамлилиги авалламбор шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари ва мотивацион ориентацияси билан боғлиқ бўлади. Шуни таъкидлаш лозимки, экстремал таъсирлар ҳар доим ҳам амалга оширилаётган фаолият самарадорлигига салбий таъсир кўрсатавермайди. Акс ҳолда, шароит қийинлашуви натижасида пайдо бўладиган қийинчиликларни енгишнинг умуман иложи бўлмас эди. Бироқ, стрессли вазиятларда ишлаш албатта ички ресурсларнинг қўшимча равишда сафарбар этилишига (мобилизация) олиб келади ва натижада салбий оқибатлар ҳам кузатилади. “Стресс этиологияси” билан боғлиқ бўлган касалликлар қаторига: юрак қон томир тизими паталогияси, ошқозон яраси, психосоматик бузилишлар, неврозлар, депрессив ҳолатларни киритиш мумкин. Шунинг учун ҳам инсоннинг стресс ҳолатига нисбатан индивидуал чидамлилигини ўрганиш борасида амалий таадқиқотлар ўтказиш зарур.



М.Фридман ва Р.Ройзенман тадқиқотларида ақлий меҳнат билан шуғулланувчи кенг доирадаги инсонлар (илмий ишчилар, инженерлар, маъмурлар) тадқиқ қилинди ва улар томонидан инсонларнинг икки ҳил типи: А - стрессга берилувчанлар ва Б- стрессга чидамли шахслар типи ажратилди. А типининг намоёндалари ёрқин хулқ автор синдромининг эгаларидир. Уларда кўпинча: “рақобатга нисбатан қарамлик, мақсадга интилевчанлик, агресивлик, сабрсизлик, ҳавотир, гиперактивлик, экспрессив нутқ, юз мускулларининг доимий таранглиги, доимо вақт етишмаслигини ҳис қилиш ва юқори фаоллик” каби ҳолатлар учрайди. Бунинг натижаси ўлароқ ҳали ёш бўлишига қарамай соғлиқни йўқотиш ҳолатлари кўплаб кузатилади.

Стресснинг нафақат тиббий, балки замонавий ҳаётнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган турли ҳилдаги салбий жтимоий-иктисодий оқибатлари ҳақида гап кетганда: ишдан қониқмаслик, меҳнат маҳсулдорлигининг тушиб кетиши, авариялар, ишга сабабсиз келмаслик каби ҳолатларнинг мавжудлиги психологик стресс ҳолатини ўрганишга нисбатан катта эҳтиёжни пайдо қилди. Ҳар қандай меҳнат шароитини оптимизациялаштириш стресс ҳолатини йўқотиш ёки имкон даражасидасида максимал четлаштириш учун қаратилган комплекс услублардан иборат бўлади.

Агрессия ва унинг шахс ижтимоийлашувидағи ўрни.

Шахс – ижтимоий муносабатларнинг маҳсули, яъни шахс бу муносабатларнинг ташувчиси, ижтимоий ҳаётнинг субъекти, жамиятнинг негизидир. Дарҳақиқат, ҳар бир шахс бутун ҳаёти давомида ижтимоий мухит таъсирида ижтимоийлашиб боради ва ўз фаоллигини намоён қиласи. Инсон фаоллигини ўзига хослиги шундаки, у муттасил бошқа одамлар ёки ўзи яратган нарсалар билан ўзаро муносабатда бўлади. Улар ўртасидаги бу муносабатларни мувофиқлаштирувчи табиий қонунлардан ташқари, ижтимоий ҳаётда тез-тез учраб турувчи аҳлоқий нормаларнинг қатъий қоидалар шаклидаги қонунлари ҳам мавжуд. Пировардида, шахслараро муносабатларни орган қилувчи, бир-бирларининг хатти-ҳаракатини ва хулқини, шунингдек, бошқа инсонларга қаратилган хусусий ҳаракатларни



баҳолаш ҳамда уларга нисбатан муайян жавоблар қайтаришнинг ўзига хос тизими ишга тушади.

Инсонлар томонидан белгиланадиган муносабатларни акс эттирувчи мазкур тизимнинг нисбийлиги асосан фалсафий ёки аҳлоқий масалагина бўлиб қолмасдан, унинг психологик асослари ҳам бордир. Кимнингдир нуқтаи назарига кўра, заруратдек туюладиган хатти-ҳаракат бошқа бир инсон учун нафақат бефойда, балки, заарли деб ҳисобланиши, бир маданиятда маъқул саналган хатти-ҳаракат бошқа бир маданиятда номаъқулдек эътироф этилиши ҳам мумкин. Шахсга доир индивидуал тараққиёт самарасини ҳамда шахслараро муносабатларни белгиловчи ҳулқ-атвор ва хатти- ҳаракатларнинг энг муҳим ҳарактеристикаларидан бири агрессивликдир. Агрессия-бу одамлар, одамлар гуруҳига нисбатан жисмоний ва руҳий зарар етказишга қаратилган индивидуал ёки жамоавий хатти-ҳаракатлар мажмуи ҳисобланади. Бугун инсоният тарихи ишончл тарзда шуни исботламоқдаки, агрессия шахс ва жамият ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Бундан ташқари, агрессия улкан тортишиш кучи ва юқумлилик жислатига эга – кўпчилик одамлар ўзларининг агрессив эканини инкор этадилар, аммо ўзларининг кундалик ҳаётларида эса уни кенг намойиш этадилар. Айнан агрессив ҳулқ-атвор шахслараро низоларни вужудга келишига ва уларнинг ноконструктив ечим йулларини пайдо бўлишига олиб келади.

Ижтимоийлашув – индивиднинг ижтимоий тажрибани ўзлаштириш жараёни ва фаоллиги бўлиб, бу ўз навбатида мулоқот ва фаолиятда намоён бўлади. Ижтимоийлашув жараёни жамиятдаги турли ўзгаришлар ва мақсадга йўналтирилган тарбия натижасида стихияли тарзда кечади. Ижтимоийлашув жараёнини турли психологик илмий мактаблар турлича таҳлил қилганлар:

- 1) необихевиоризм намоёндалари ижтимоийлашув – бу ижтимоий ўрганишдир;
- 2) интеракционизм вакиллари ижтимоий ўзаро таъсиrlар натижаси;
- 3) гуманистик психология вакиллари эса Мен концепциясининг намоён бўлиши деб таърифлаганлар. Ижтимоийлашув жараёни серқирра



жараён бўлиб, юқорида келтирилган психологиянинг илмий мактаблари намоёндалари унинг фақатгина бир томонигагина асосий ургуни қаратадилар. Ҳозирги кунда жаҳон психологлари ижтимоийлашув муаммосини ижтимоий хулқ-авторни бошқаришнинг диспозицион концепцияси нуқтаи назаридан кўриб чиқишига ҳаракат қилмоқдалар. Бу концепция шахслараро муносабатларга кириша олиш даражасига боғлиқ бўлган ижтимоий хулқ-авторни бошқариш тизимини таҳлил қилувчи диспозициялар иерархиясини ўз ичига қамраб олади. Инсонлардаги шахслараро муносабатларда намоён бўлувчи хулқ-автор типларидан бири бу агрессиядир. Агрессия тушунчасининг ўзига изоҳ бериш қатор қийинчиликларни туғдиради, чунки, бу термин кўплаб хатти-ҳаракат шаклларини ўзида қамраб олади. Одамлар бирон бир кимсани агрессив шахс сифатида тавсифлаганларида, уни бошқаларни хақорат қилувчи, ёки бадфеъл, барча нарсани ўзи истаганидек қилишни истайдиган, ёки ўз ғояларини қатъий химоя қиласидиган, ечими йук муаммолар гирдобига ўзини гирифтор қиласидиган инсон, дейишлари мумкин.

Басс томонидан таклиф этилган таърифлардан бирига асосан бошқалар учун хавф туғдирувчи ва уларга зиён етказувчи ҳар қандай феъл-автор агрессиядир.

Басснинг агрессия категориялари

Агрессия типи	Мисоллар
Жисмоний-фаол-тўғри	Одамни совуқ қурол билан жароҳатлаш, уни калтаклаш ва ўқ отар қурол билан яралаш
Жисмоний- фаол -эгри	қопқон-миналарни қўйиш; ёлланма қотил билан душманини йўқ қилиш учун тил бириктириш
Жисмоний-пассив-тўғри	Одамнинг мақсадга эришишига ёки истаган фаолияти билан шуғулланишига (масалан ўтириб ўтқазиладиган намойиш) жисмонан йўл қўймасликка ҳаракат қилиш



Жисмоний - фаол -эгри	Зарур вазифаларни бажаришдан бош тортиш (масалан, ўтириб ўтказиладиган намойиш пайтида худудни бўшатиб қўйишдан бош тортиш)
Вербал - фаол -тўғри	Сўз билан ҳақоратлаш ёки бошқа одамни камситиш
Вербал - фаол -эгри	Бошқа одамга тухмат қилиш ёки у хақида миш-мишлар тарқатиш
Вербал-пассив-тўғри	Бошқа одам билан гаплашишдан, унинг саволларига жавоб беришдан бош тортиш ва бошқалар
Вербал-пассив-эгри	Аниқлик киритишдан ва тушунтириб беришдан бош тортиш (масалан, ноҳақ танқид остига олинган одамни химоясига бирон-бир гап айтишдан бош тортиш)

Хозирда социал ўрганиш назарияси агрессивликни олдини олишда агрессор ва ижтимоий ривожланишни шароити хақида ахборот бўлган ҳолларда.энг эффектив метод бўлиб келмоқда. Агрессив импулсларнинг пайдо бўлишини на моддий барқарорлик, на ижтимоий ноҳақликни тубдан йўқ қилиниши ва на инсон жамиятидаги бошқа позитив ўзгаришлар олдини ололади. Кўпи билан бундай ҳолларнинг юзага келишига вақтинча йўл қўймаслик ёки уларнинг интенсивлигини сусайтириш мумкин. Бу назарияларга асосан агрессия у ёки бу шаклларда бизни таъқиб этаверади. Агрессия дарҳақиқат бизнинг инсоний табиатимизнинг ажралмас қисмидир³.

Стресс ва агрессив ҳолатларни енгиллаштиришига қаратилган психокоррекцион (медитатив) комплекс машқлар.

Мобилизация машқи

³ Ўсмирлик даврида юзага келадиган агрессив хулқни психологик коррекция қилиши имкониятлари. Текст научной статьи по специальности «Психологические науки» Халимова М.В., Шобдурахимова У.Т.



Мақсад: куч ва энергияни тиклаш, бошланган ишни давом эттиришга кириш учун умумий тайёргарлик.

Бажариш вақти: 5 дақиқа.

Муолажа:

Чукур нафас олиб чиқаринг. Ушбу харакатни 5 марта тақрорланг.

Хаёлан қуйидаги иборали формулани қайтаринг:

1. мен яхши дам олдим...
2. менинг күчларим яна тикланди...
3. бутун танамда энергия манбайни хис этаяпман...
4. фикрларим аниқ ва тушунарли...
5. мушакларим хаётий куч билан тұлмоқда...
6. ишлашга тайёрман... хузурбахш душ қабул қылғандайман...
7. танамда ёқимли титроқ ва шабада хис қиляпман...
8. чукур нафас оляпман... кескин нафас чиқаряпман... салқынлик...
9. бошимни құтаряпман (ёки туряпман)... құзларимни очяпман...

Медитатив нафас концентрацияси (нафас техникасы)

Мақсад: тұлақонли бўшашиб, нафас жараёнининг ритмизацияси, ички барқарорлик, эмоционал реакцияга эришиш муваффақияти.

Бажариш вақти: 3-5 дақиқа.

Муолажа: Қулай жойлашиб олинг. Тананғизни бўшаштириңг.

Дикқатингизни нафас олишга қаратинг. Нафас олишнинг табиий усулини ўзgartирманг бироқ, уни назорат қилинг. Ўзингизга: «Мен нафас олишимни хис қиляпман.. нафас чиқаришимни хис қиляпман», деб айтинг.

Машқ бир неча марта бажарилғандан сўнг паришенлик ҳолати йўқолиб, диққатнинг бир жойга жамланиши мұкаммаллашиб боради.

Изоҳ: элементар эканлигига қарамай ушбу машқ жуда самарали хисобланади. Фақат уни тўғри қўллай билиш лозим.

«Юқори энергия».



Мақсад: қисқа муддатли энергия қуввати ва уни түғри қўллай билиш маҳоратини шакллантириш.

Бажариш вақти: 3 дақиқа.

Муолажа: Ёрқин тунги осмонни тасаввур қилинг. Ўзингиз учун энг чарақлаган юлдузни танланг. Мана энди... уни ютиб юборинг... у сизнинг организмингизда ёрилиб кетади ва бутун танангизни энергия билан тўлдиради. Энергия организмнинг барча катақчалирига кириб боради ва сизни нимадир қилиш, бирор нарсани ўзгартириш ёки тўғирлашга ундаиди. Дадилроқ харакат қилинг!

«Даволовчи хотира»(кузатув техникаси)

Мақсад: ижобий эмоциялар фаоллашувай, ички ресурсларни тиклаш, ижобий тафаккур даражасига олиб чиқиш учун тушкунлик ҳолатидан олиб чиқиш.

Бажариш вақти: 5 дақиқа.

Муолажа: Қулайроқ ўтириб ёки ётиб олинг. Чуқур нафас олиб уни 10 сония ушлаб туринг шундан сўнг нафасингизни бир текисда чиқаринг. Машқни 3 маротаба қайтаринг. Нафас олишнинг табиий темпига қайтинг. Хар сафар нафас олганингизда танангиз ва онгингиз бўшашаётганини хис қиласиз... Шовқин, товушлар, юз тузулишлари муаммолар сув каби оқиб кетади... Борган сари нари кетиб боради.....

Ўтмишда сиз билан бир қанча ёқимли ходисалар содир бўлган. Сиз анчадан буён улар ҳакида ўйламайсиз. Баъзилари жуда аҳамиятли бўлган баъзилари эса унчалик эмас. Бироқ улар сизни хурсанд қила олган ва баҳт келтирган. Ўзингизнинг баҳтли онларингиз, дақиқаларингизни, сизни баҳтли қила олган, сизга энг оромбахш лаҳзаларни бера олган энг гўзал кунларни хаётингизга қайтаринг. Севган ва севимли бўлган соатларни, лаҳзаларни қайтаринг. Омад чўққиларида сармаст бўлиб юрган вақтингизга қайтинг. Мана шу баҳтли ўтмишга қайтинг, уни эшигинг, кўринг ва хис қилинг. Такрорланманг, шошилманг, хар бир образга ўзини яна намоён қилиши учун имкон беринг.



Сеанс сўнгида бешгача сананг ва аста – секин реал хаётга қайтинг!

«Ваҳимадан қутулиш усули»

(кузатув техникаси)

Мақсад: ваҳимадан қутулиш, хавотирлилик, кутилаётган стрессли вазиятга тайёргарлик.

Бажариш вақти: 5-10 дақиқа.

Муолажа: Бўшашинг, ойдин кун, атроф ўтлар - кўкатлар билан безангандан ажойиб бир ўтлоқда ўтирибман деб тасаввур қилинг... Осмонга камалак ўзининг баҳмалдек нурларини таратиб турибди. Бу тароватнинг бир қисми сизга тегишли... у минглаб қуёшлардан-да ёрқинроқ... Унинг нурлари бошингиз ва танангизни майнин ва ёқимли тарзда силаб ўтяпти, бутун танангизга сингиб боргани сари ўзингиздан хавотирли, ташвишли, салбий хиссиётларга тўла ҳаёллар, қўрқувларнинг ортга сингиб бораётганини хис қиласиз. Танангиздаги носоғлом қисмлар майнин шамолга сингиб кетадиган қора тутунга айланиб сизни тарк этишини хис этасиз. Сиз хавотирдан холисиз, сиз сувдек беғуборсиз, кайфиятингиз ҳам кўтаринки!!!

Хулоса қилиб ҳар қандай хизмат шароитларида ҳам ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан муомала ва мулоқот давомида фақатгина қулай шароит ва ижобий руҳий вазиятларни ташкил этишлари ва таъминлашлари лозим.

Ички ишлар органлари ходимлари фаолияти – ходим учун доимо “хавотир”да бўлишни талаб қиладиган жараёндир. Баъзи пайтларда ташқи томондан таъсир этувчи босим шунчалик кучли бўлиши мумкин, у инсонни турли даражадаги стрессларга олиб келади. Стресс ходимнинг хизмат фаолиятида салбий акс этиб, жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бўлажак ходимларни фаолиятга психологик жиҳатдан тайёрлашда уларга хавфли вазиятлардан чиқиб кета олиш, мураккаб шарт-шароитларда ўз-ўзини назорат қилиш малакасини сингдириш лозим.

Хулоса:



Стресс ва агрессия, ҳар қандай ҳолатда ҳам, инсоннинг психологик ва эмоционал ҳолатини аниқлаштириш ва унга ёрдам бериш заруриятини кўрсатади. Агар стресс ва агрессия кундалик ҳаётга таъсир қилса, касбий ёрдам олиш ва стрессни бошқариш техникаларини ўрганиш ёрдам бериш мумкин.

Шундай экан, ички ишлар органлари ходимлари стресс ва уни олдини олишга қаратилган машқлар, кескин вазиятларда ўзини ўзи ҳиссий-иродавий бошқариш усуллари, аутоген ва гурухий машқлар яхши ўзлаштириб, ҳар куни такрорлаб борса мақсадга мувофиқ бўлади.

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – 2023 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 407-сон Қонуни.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш буйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5050-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги «Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПК-5076-сонли Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари



1. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 21 октябрдаги «Ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 400-сон буйруги

IV.Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Ш.Мирзиёев «Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз». – Т., 2017 й.

V.Дарсликлар, Ўқув қўлланмалар

1. Сирлиев Б.Н. Исмаилова Н., Хакимова И.М. Юридик психологиядан практикум. Ўқув қўлланма. – Академия, 2016.

VI.Интернет сайтлари

1. <http://mvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ);
2. <http://ipkmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти);
3. <http://akadmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси);
<http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).